

Халол лак: афсонами ёки хакикат?

(а)ни кўшди Abu Muslim

11.04.19 19:54 - Охири янгиланган 11.04.19 19:56



Мусулмон аёлларни кўпинча аёллар кометикасининг тирнок учун лак каби предметига нисбатан ҳам диний чекловлар кўлланадими деган савол кизиктиради. Агар бу махсулотнинг халол тури мавжуд бўлса, уларни каердан олиш мумкин? «Нафас оладиган» лак нима ва у қандай қилиб халол бўлиши мумкин?

Бундай саволлар хар йили Ислом дунёсида кўтарилади. Ягона фикр халигача ишлаб чиқилмагани бахс-мунозарада якуний нукта қўйишга имкон бермайди. Келинг, тартиб бўйича барча далилларни шундай келтириб ўтайлик-ки, халол. Уз сайти ўқувчилари ўзлари қарор қабул қила олсин.

Мўмина тирногига лак қўйиши мумкинми?

Шариат бундай косметикадан фойдаланишни тақиқламайди. Аёл кўл ва оёқлари тирноқларига лак қўйилган ҳолда намоз ўқиши мумкин. Бирок бу ерда жуда муҳим бир жиҳат мавжуд: лак гусл ёки таҳорат қилинганидан кейин, аёл пок бўлган вақтда қўйилган бўлиши керак. Таҳорат олмаган ёки бузилган, кейин қайта тикланган пайт лак қўйилса, намоз ҳам, на таҳорат ҳам қабул қилинмайди. Бунинг сабаби лаканинг хусусиятига боғлиқ - бу намликка йўл қўймайди, демак, таҳорат пайтида тирноқ юзасига сув тегмайди.

Пайгамбаримиз Муҳаммад соллоллоху алайхи васаллам товонида тирноқдай жойи ювилмай қолган одамни кўриб қолганликлари хақида ҳадис бор. Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Бир одам таҳорат қилиб оёгининг тирноқча жойига сув етказмади. Пайгамбар соллоллоху алайхи васаллам буни кўриб қолдилар ва: «Қайт, таҳоратингни яхшилаб қил», дедилар. У қайтди ва сўнгра намоз ўқиди» (Муслим, Абу Довуд).

Шундан сўнг олимлар ибодат қилувчининг танасининг хар бир қисмини сув билан яхшилаб ювилган бўлиши керак, деган ҳулосага келишди. Шу сабабли, муслима аёл учун оддий лак қўйилиши назарий жиҳатдан мумкин, лекин амалда бу жуда қийин: таҳоратдан олдин хар сафар лакни олиб ташлаш ва ундан кейин қайта қўйиш керак бўлади. Бу ҳолат қунига бир, икки ва беш марта бўлиши мумкин. Хаётни мураккаблаштирадиган нарса бўлиши билан бир қаторда, жараённинг тез-тез амалга оширилиши тирноқ пластинаси ва қатиқулага путур еткази.

Халол лак: афсонами ёки хакикат?

(а)ни кўшди Abu Muslim

11.04.19 19:54 - Охирги янгиланган 11.04.19 19:56

Мусулмон аёл кун бўйи ёки хатто бир неча кун лакни олиб ташламасдан юриши мумкин бўлган ягона давр - хайз ёки нифос (тугрукдан кейинги тозалаш) вақтидир. Бу ерда факат битта тавсия сақланиб қолади - лак, иложи борича табиий рангда бўлиши, кўзга ярк этиб ташланмаслиги керак, чунки мусулмон аёл камтар бўлиши керак.

«Халол» лак нима?

Бир неча йил олдин бозорда Полша компанияларидан бири томонидан тайёрланган «нафас оладиган» лак пайдо бўлди. Дастлаб у лакдан тез-тез фойдаланадиган шахслар учун мўлжалланган. Бу махсулот хаво ва хаво бугларини ўтказди. Бир мунча вақт ўтгач, тажриба ўтказилди ва унинг натижалари бўйича мусулмон аёлларга ушбу лакдан фойдаланишга рухсат берилди, бу лак копланган тирноқлар билан килинган тахорат тан олинадиган бўлди. Шунинг учун у "халол" деб номланди. Шундай бўлса ҳам, махсулот шаръий олимларнинг расмий халол сертификати ва розилигини олмаган. Уй шароитларида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, салфеткага лак кўйилиб, кейин сув томизилгач, лак сув ўтказмаслиги ёки жуда ҳам секин ўтказиши аниқланди. Шунинг учун уни ишлатиш эҳтимоли савол остида қолмоқда.

Бозорда халол лакка бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, Америка ва Канадада ишлаб чиқарилган халол сертификатланган лаклар пайдо бўлди. Масалан, АКШ махсулоти «Дор-ул-Косим» (Иллинойс) институтининг вуду-френдли (тахорат учун рухсат этилган) ва халол продукция сертификатларига эга, шунингдек, «СГС-Лабс» халқаро экспертлар компаниясидан сув ўтказмаслиги ҳақида ҳужжатлар билан тасдиқланган. Бундай лаклар намлик ва хавони ўтказди, тўғри, фақат кўлни иссик сув билан ювиш яхшироқ самарага эга бўлиш учун 10 секунд ишқалаб туриш керак, деб тавсия қилади ишлаб чиқарувчилар.

Халол лаклар рўйхати

Айрим лаклар, масалан, «Inglot» компаниясининг O2M серияли махсулоти ушбу махсулотдан мусулмон аёллар фойдаланишига рухсат этилгани ҳақида расмий сертификатга эга эмас. Ўқувчиларимиз илтимосига кўра ва улар учун қулай бўлиши учун (реклама деб ҳисобланган) халол сертификатга эга бўлган дунё компаниялари рўйхатини келтириб ўтамыз:

- 1) BCI Group концерни «Н» лаки (БАА);
- 2) «Thursday in love» компаниясининг сув ўтказмайдиган лаки (Канада);
- 3) «МАҲА» савдо маркасининг сув ва хаво ўтказмайдиган лаки (АКШ);

4) «Orly» фирмасининг «Breathable» серияли лаки (АКШ).

Бу «нафас оладган» лакдан фойдаланиш керакми?

Хамма нарса инсоннинг шахсий эътиқодига боғлиқ. Ахир, ислом олимлари орасида тирнокни тахорат қилиш хақида ҳам турли фикрлар бор. Баъзи одамлар сувнинг тирнок пластинасига бевосита тегиши ва уларнинг орасидаги тўсик бўлмаслиги керак, деб ҳисоблашади. Бошқалар эса, сув тирноққа тегибгина қолмасдан, балки у орқали оқиб ўтиши керак, деб ҳисоблайди. Яна бошқалар эса енгил олиб, сув тирноққа тегиши етарли деб ҳисоблайди. Шунинг учун «халол» лакдан фойдаланиш ҳар бир мусулмон аёлнинг ихтиёрига ҳавола қилинади.

Танловни ҳал қилишда шуни ёдда тутиш керакки, Аллоҳ таоло пайгамбаримиз Мухаммад соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари орқали бизни шубҳали нарсалардан оғохлантирган, ахир бу тақиқланган нарсага олиб борадиган йўлдир.

“Халол ҳам маълум, ҳаром ҳам маълум. Унинг орасида шубҳалар мавжуд, кўпчилик унга парво қилмайди. Кимки шубҳалардан сакланса, дини ва обрўйини саклабди. Кимки шубҳаларга парво қилмаса, албатта, ҳаромга йўликади. Худди кўйларини жар ёқасида боқаётган чўпонга ўхшайди, бир қунмас, бир қун албатта улардан биттаси тушади. Ҳар бир подшоҳнинг чегарси бўлгани каби, оғох бўлингким, Аллоҳ таолонинг чегараси ҳаромгачадир. Билингким, инсонда бир гўшт парча бор агар у соғлом бўлса, бутун аъзои бадан соғлом бўлади. Агар у бузилса, бутун аъзои бадан бузилади. У ҳам бўлса, қалбдир” (Бухорий, Муслим)

Яна бир Хасан ибн Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда: Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васалламнинг: «Сени шубҳага солаётган нарсани тарқ қил, шубҳага солмайдиган нарсани ол, зеро ростлик хотиржамликдир, ёлгон эса шубҳаланишдир», деган ҳадисларини ёдлаб олдим.

Оддий лакдан фойдаланишда опа-сингилларимизга бериладиган маслаҳатлар

Агар оддий лакдан фойдаланиш ва уни ҳар сафар тахоратдан олдин ўчириб ташлашга қарор қилинса, қуйидагилар тавсия этилади:

1. Юмшоқ рангли ёки шаффоф лакдан фойдаланингиз – улар яхшироқ кўринади ва эътиборни жалб қилмайди. Ёркин ранг танламасликнинг иккинчи сабаби – кўплаб мусулмон аёллар хайз даврида тирнокларини бўяйди. Демак, бегона мусулмонлар сизда ушбу қунлар эканлиги хақида ўйлаши ва бу сизга қандайдир ноқулайликлар тугдириши мумкин.

2. Асос сифатида тирнокларда мустақил қўллаганда нафакат ташқи кўриниш ҳосил қиладиган, балки қундалиқ фойдаланиш учун жуда муҳим бўлган шифобахш

Халол лак: афсонами ёки хакикат?

(а)ни кўшди Abu Muslim

11.04.19 19:54 - Охирги янгиланган 11.04.19 19:56

хусусиятларга эга тиббий лакни қўллаш лозим.

3. Лакни ўчириш учун ацетонсиз суюклик, яна ҳам яхшироги, тирнок пластинасини каттик шикастламайдиган ва қуритмайдиган махсус фойлардан фойдаланиш керак.

4. Кўл ва оёқ тирнокларидаги лакни эҳтиёткорлик билан олиб ташланг, шунда "оролча" ёки пленка колмайди. Акс холда, тахорат хакикий эмас деб ҳисобланади. сиз ҳамма нарсани текшириб, фақат намоздан кейин колган лак колдигини топиб олганинган ҳолат истиснодир. Бу касддан бажарилмагани учун тахорат ва намоз амалда қабул қилиниши мумкин.

5. Тахоратни янгилаш талаб қилиб қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар учун доим ёнингизда лак ўчирадиган восита олиб юринг.

Абу Муслим таржимаси